**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

**Тошкент - 2021**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 365
"25" 08 2021 йил

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби "Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар", "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори", Ўзбекистон республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи ............... | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................................................... | 4 |
| 1.1.1. | *60220500 – Фалсафа(йўналишлар бўйича)* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши................ | 4 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.................................................... | 4 |
| 1.2. | *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ........................................................................................ | 4 |
| 1.2.1. | *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари............................................................................................ | 4 |
| 1.2.2. | *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.................................................................................. | 5 |
| 1.2.3. | *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари........................................................................................ | 5 |
| 1.2.4. | *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.................................................................................... | 5 |
| 2. | *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар........................ | 7 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар.............................................................................................. | 7 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар................................................................................................ | 8 |
| | Библиографик маълумотлар.......................................................................................... | 9 |
| | Келишув варoғи | 10 |

## 1. *60220500 – Фалсафа(йўналишлар бўйича)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

***60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби ***60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим муассасаларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)*таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)*таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)*** бакалавр таълим йўналиши – санъат ва гуманитар фанлар соҳасидаги йўналиш бўлиб, у инсоният тарихида олам ва одам масаласига оид фалсафий қарашларнинг таҳлили, фалсафий тафаккурни шакллантиришда ижтимоий муҳитнинг роли, қадимги герметик фалсафа, қадимги мифлар, ремифологиязация жараёнлари, мифологик, диний, фалсафий ва илмий дунёқарашнинг шаклланиш босқичларини таҳлил қилиш, ислом фалсафасининг маърифий жиҳатлари, диний ақидапарастлик ва тасаввуф ирфонининг ривожланиши тарихи, фалсафа фанининг предмети, функциялари, тузилиши, инсон онги ва онгсизлигининг ўзаро алоқадорлиги, интериоризация ва экстериоризация тушунчаларининг талқини, инсоннинг биологик, ижтимоий, психологик моҳияти, цивилизация ва маданият, антропосоциогенез матн маъносини тушунишнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти, символ, семиотика ва диалогнинг тушуниш воситаси сифатидаги функциялари, глобаллашувнинг ривожланиш тарихи, глобаллик мезонлари, глобал муаммоларнинг таснифи, экооптимизм,экопессимизм дунёнинг илмий манзараси ва унинг эволюцияси, тафаккур услуби шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари, жамият ҳаётини прогнозлаштиришнинг аҳамияти, тарих фалсафаси ва фалсафа тарихининг мутаносиблиги, борлиқ тушунчасининг тавсифи, борлиқ ҳақидаги

қарашлар таснифи, борлиқнинг шакллари, виртуал реаллик, сунъий интеллектнинг ахборот асридаги аҳамияти, мантиқий тафаккурнинг фикр изчиллигини таъминлашдаги роли, маънавий камолотнинг инсон ва жамият ҳаётини ташкил этишдаги аҳамияти, ижтимоий-сиёсий жараёнларинниг миллий ва сиёсий менталитетнинг шаклланишига таъсири, фуқаролик жамиятида бошқарув усули сиёсат фалсафаси ва маданият фалсафаси, олий ва иккинчи даражали қадриятларнинг инсон камолотига таъсири, билиш ва билимнинг ўзаро алоқаси ва фарқи, билиш жараёнинг асосий мезонлари, дунёни эстетик идрок этишнинг инсон маънавий камолотидаги роли, экологик, демографик ва энергия танқислиги муаммолари, табиий ресурсларга оқилона ёндашув каби масалалар мажмуини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар ( фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;
- маънавий-маърифий ва тарғибот ишлари;
- умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқув-тарбия ишлари (педагогик фанлар цикли ва педагогик амалиёт ўтилган бўлса);
- Ихтисослашган мактабларга жорий этилган мантик фани ўқитувчиси;
- иқтисодиётни турли соҳа ва тармоқларида ташкилот, корхона ва муассасалар самарадорлигини ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;
- бошқарувда вазиятли ва тизимли ёндашув тамойилларини тадбиқ этиш. Давлат ва маҳаллий бошқарув қарорларини амалга ошириш жараёнлари;
- ташкилот ва корхоналарда замонавий бошқарув тизимини ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш жараёнлари.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.3. *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- ахборот-таҳлилий фаолият;
- маънавий-маърифий;
- илмий-тадкиқот;
- педагогик фаолият.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.4. *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

***60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)*** таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим;

**Ташкилий бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- ташкилотлар фаолиятини статегик ривожлантиришда замонавий иқтисодий билимларни қуллаш орқали бошқариш

- ташкилот ва уларнинг алоҳида булинмалар ташкилий тузилмасини оптималаллаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йулга қуйиш;
- бирламчи ишлаб чиқарувчи буғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти буйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ташкилий бошқарув фаолиятида қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда хамда қарорларни муқобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- замонавий ахборт технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини бахолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф муҳитни мухофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулотда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

**Ахборот – таҳлилий фаолиятда:**

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- ташкилотнинг ички хужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;
- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича хисобот тайёрлаш;
- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

**Маънавий-маърифий фаолиятда:**

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, аҳоли ва ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;
- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни шакллантириш ўзликни англаш, миллий менталитетни шакллантириш метод ва технологияларини билиш;
- дунёнинг мафкуравий манзарасида Янги Ўзбекистоннинг ўрни ва мавқеини тушунтириш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;
- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, мехр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш;

**Илмий – тадқиқот фаолиятида:**

- илмий тадқиқот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- хўжалик юритувчи субъектларни замонавий бошқариш тизимини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий – техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

- тармоқлар ва ютуқларни замонавий бошқариш тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар хақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини тадбиқ этиш.

**Педагогик фаолиятда:**

- умумий ўрта таълим, ўрта махсус тизимининг муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотлар ўтказиш,
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлатшириш ва таҳлил этиш;
- яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик, ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;
- талабаларнинг креатив салоҳиятини таълим тизими ахборотлаштириш жараёнида шакллантириш ва ривожлантириш;
- таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай билиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таминлаш.

## *2. 60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш;
- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. Касбий компетенциялар**:
- фалсафий тафаккурни ривожлантиришга доир илмий-тадқиқот ишлари мавзуси бўйича таҳлилий маълумотлар йиғиш, тадқиқот методларини танлаш ва методологик тамойиллардан унумли фойдаланиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий журналларга мақолаларни тайёрлаш;
- илмий семинарлар, илмий-техникавий конференциялар ишида маърузачи, муҳокамаларда қатнашувчи ва референт сифатида иштирок этиш;
- илмий-техникавий ва соҳага оид журналларга мақола ва тақризлар тайёрлаш;
- интернет тармоғида энг янги илмий, фалсафий ва сиёсий янгиликлар, янги педагогик технологиялар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш, топиш ва ўзлаштириш;
- эгалланган билимларни амалиётга тадбиқ этиш;
- ўзининг келажак фаолиятини прогнозлаштириш;
- турли даражадаги тадбирларда мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётига оид маълумотларни мантиқий изчил етказиш;
- инсон соғлигини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш, меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш бўйича методик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш.

# Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

тафаккур, дунёқараш, ҳақиқат, онтология, гносеология, фалсафа, шахс, ижтимоий фалсафа, ахлоқ, аксиология, фалсафий антропология, метафизика, онг, тафаккур, рух, материя, борлиқ, фан, эволюцион эпистемология, ҳаёт, виртуал борлиқ, олам ва одам эволюцияси, фалсафий категориялар, дунёнинг илмий манзараси, ҳаёт фалсафаси, мантиқ, мантиқий тафаккур, назариянинг мантиқий структураси, тараққиёт, давлатнинг ахлоқий асослари, шахс ахлоқий ҳаёти, биоэтика, нафосат, гўзаллик фалсафаси, методология, дунёнинг илмий манзараси, эволюция, илмий оқилоналик, эзотеризм, позитивизм, неопозитивизм, техника ва технология, инсон борлиғи, тартиб, маънавий фаолият, тушунтириш, барқарорлик ва беқарорлик, тарихий-маданий тасаввур, ижтимоий масъулият, илмий тадқиқот, олимлик масъулияти, парадигма, илмий тадқиқот дастури, техника фалсафаси, технологик таълим гуманизацияси, техноген цивилизация, цивилизациянинг янги тўлқини, компьютер саводхонлиги, диалектик мантиқ, математик мантиқ, аргументлаш, аргументларнинг турлари, натурал хулосалаш системаси, дедукция назарияси, формаллаштириш, дедукциянинг метатеоремаси, интуиционистик мантиқ, конструктив мантиқ аксиомалари, алгоритм, кўп қийматли мантиқ, импликация парадокслари, илмий билиш мантиғи, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилар**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

**Ректор____________________И.У.Маджидов**

202_1_ йил «_20_» _08_

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш маркази**

**Директор в.б.__________М.Эсонов**

202_1_ йил «_25_» _08_

М.Ў.

**Тошкент Давлат Шарқшунослик университети**

**Ректор____________Г.Рихсиева**

202_1_ йил «_20_» _08_

М.Ў.

**Республика “Маънавият ва маърифат” маркази**

**Раҳбари__________М.Ходжиматов**

202_1_ йил «_23_» _08_

М.Ў.

**Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси**

**Ректор____________М.М.Комилов**

202_1_ йил «_23_» _08_

М.Ў.

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича) йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим муассасалари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

**Тошкент шаҳри** **“____”__________202__й**

Биз қуйида имзо қўювчилар – Республика “Маънавият ва маърифат” маркази раҳбари М.Ходжиматов, Тошкент Давлат Шарқшунослик университети ректори проф. Г.Ш.Рихсиева, Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси ректори М.М.Комилов, Ўзбекистон Миллий университети ректори И.У.Маджидов билан биргаликда ЎзМУда ишлаб чиқилган қуйидаги бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаси мазмуни билан танишиб чикиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

1. **60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши.**

Малака талаблари ҳамда ўқув режани ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар, шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инобатга олинган.

Таълим йўналиши бўйича малака талаблари ўқув режа ва фан дастурлари хамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режани ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш мумкин.

**Республика “Маънавият ва маърифат” маркази раҳбари** **М.Ходжиматов**

**Тошкент Давлат Шарқшунослик университети ректори** **Г.Ш.Рихсиева**

**Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси ректори** **М.М.Комилов**

**Ўзбекистон Миллий университети ректори** **И.У.Маджидов**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режасига**

**ТАҚРИЗ**

60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича) таълим йўналишининг малака талаби ҳамда ўқув режаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги "2021/2022 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-5157-сон Қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар, шунингдек, халқаро талабларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган.

60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси ҳориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган, бакалаврларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида тажриба, кўникмалар хамда тасаввурга эга бўлиш, қўйилган талабларни билиши ва улардан самарали фойдалана олиш кабилар тўғри кўрсатилган.

Малака талабларини ишлаб чиқишда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақлаш ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилларига амал қилинган. Фанлар учун белгиланган вақт бюджетининг назарий, семинар, мустақил ишлар учун тақсимоти битирувчининг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасаларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб, 60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишга йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини қониқтиради хамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети**
**"Ижтимоий фанлар" кафедраси мудири**
**профессор, фалсафа фанлари доктори** **А.Мухтаров**

IMZONI TASDIQLAYMAN
TDIU XOD. BO'L. BOSHLIG'I
IMZO____

XODIMLAR BO'LIMI

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режасига**

**ТАҚРИЗ**

60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича) таълим йўналишининг малака талаби белгиланган меъёрий ҳужжатлар ва талаблар асосида ишлаб чиқилган.

Малака талабида бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи, ўқув режа ва фан дастурларининг меъёрий муддати, қўлланиш соҳаси, таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи, бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари, бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари, бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари, яъни ташкилий-бошқарув, ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик фаолияти бўйича талаблар келтирилган. Ундан ташқари, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари, таълимни давом эттириш имкониятлари, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари, бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ва библиографик маълумотлар келтириб ўтилган.

Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда илғор ҳорижий ОТМ ларининг замонавий услуб ва технологияларига, ўқув машғулотларининг шаклларига ва мустақил билим олишга кенг ўрин берилган. Малака талаблари ва ўқув режа халқаро стандартларга мос холда тузилган. Фанлар бўйича соатларни тақсимлашда белгиланган вақт меъёрларига амал қилинган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда кадрлар истеъмолчиларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб, 60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси ҳориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, жаҳон андозаларига мос етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган холда сифатли тузилган бўлиб, ўқув жараёнининг меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш учун асос бўлиб ҳизмат қилади хамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

**Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси**
**Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси**
**доценти, фалсафа фанлари номзоди** **Б.Н.Валиев**

O'ZBEKISTON XALQARO ISLOM AKADEMIYASI * DEVONXONA BO'LIMI

Илова

**60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

| Т/р | | Фанлар блоклари ва блокларнинг номлари | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|---|---|---|---|
| **1.00** | | **Мажбурий фанлар** | 5220 |
| 1.01 | OMTB205 | Олий математика | 150 |
| 1.02 | UYTB104 | Ўзбекистоннинг энг янги тарихи | 120 |
| 1.03 | URTB104 | Ўзбек (рус) тили | 120 |
| 1.04 | XJTB106 | Хорижий тил | 180 |
| 1.05 | UTSB203 | Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши | 90 |
| 1.06 | JTSB102 | Жисмоний тарбия ва спорт | 60 |
| 1.07 | UPPB308 | Умумий педагогика ва психология | 240 |
| 1.08 | RATB206 | Рақамли ва ахборот технологиялари | 180 |
| 1.09 | FAKB103 | Фалсафага кириш | 90 |
| 1.10 | AHFB104 | Ахлоқ фалсафаси | 120 |
| 1.11 | FATB129 | Фалсафа тарихи | 960 |
| 1.12 | MTNB124 | Мантиқ тарихи ва назарияси | 630 |
| 1.13 | OBNB123 | Онтология ва билиш назарияси | 690 |
| 1.14 | DIFB204 | Динлар фалсафаси | 120 |
| 1.15 | NAFB204 | Нафосат фалсафаси | 120 |
| 1.16 | SHTB207 | Шарқ тили (араб, форс) тили | 210 |
| 1.17 | IJFB405 | Ижтимоий фалсафа | 150 |
| 1.18 | QAFB405 | Қадриятлар фалсафаси | 150 |
| 1.19 | FOMB405 | Фалсафа ўқитиш методикаси | 150 |
| 1.20 | TZKB304 | Табиатшуносликнинг замонавий концепциялари | 120 |
| 1.21 | MOXB309 | Марказий Осиё халқлари фалсафаси | 270 |
| 1.22 | RITB304 | Риторика | 120 |
| 1.23 | TTFB303 | Таълим ва тарбия фалсафаси | 90 |
| 1.24 | FFMB403 | Фалсафа ва фан методологияси | 90 |
| **2.00** | | **Танлов фанлари** | 960 |
| | | Жами | 6180 |
| | | **Малакавий ва педагогик амалиётлар** | 570 |
| | | **Якуний давлат аттестацияси** | 450 |
| | | Жами | 1020 |
| | | Ҳаммаси | 7200 |

**Ўқув ишлари бўйича проректор** **Н.Тошматов**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг “Математика ва табиий фанлар” ўқув-услубий бирлашмаси мажлисининг**
**- сон баённомасидан**

# КЎЧИРМА

**___ ________ 202 йил.** **Тошкент шаҳри**

**Қатнашдилар:** “Математика ва табиий фанлар” ўқув-услубий бирлашмасининг 27 аъзоси, ЎзМУ таянч бўлган таълим йўналишлари ва мутахассислари бўйича кенгаш котиби Ю.Собирхонова.

**Кун тартиби:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари томонидан хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**Эшитилди:**

**1. В.Топилдиев – “Математика ва табиий фанлар” ўқув-услубий бирлашмаси раиси.** Ҳурматли мажлис қатнашчилари, кун тартибидаги масала бўйича сўзни бирлашма раисининг муовини доц. Д.А.Талиповга берсак. Марҳамат.

**2. Д.А.Талипов – “Математика ва табиий фанлар” ўқув услубий бирлашма раисининг муовини, доцент.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида университетда тажрибали профессор-ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан қуйидаги 1 та таълим йўналиши ва 1 та магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар истемолчилари талаблари ва хорижий тажрибалар асосида Малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди:

***Таълим йўналишлари ва мутахассислик:***

Сизлардан 60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режасини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

**Сўзга чиқдилар:**

**1. Ж.Каримов - ЎзМУ ЎУБ бошлиғи.** Ҳурматли бирлашма аъзолари, профессор-ўқитувчиларимиз ҳалқаро тажрибаларни ўрганиб, уларни таҳлил қилиб, Республикамиз

ижтимоий-иктисодий тараққиётининг истиқболларини, фан, технология ютуқларини ва кадрлар истеъмолчиларининг талабларини инобатга олиб, 1 та таълим йўналиши бўйича Малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишди. Шунинг учун ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларини маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

**2. Ш.О.Мадаева – "Фалсафа ва мантиқ" кафедраси мудири, ф.ф.д.,проф.** Ҳурматли бирлашма аъзолари, факультетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича Малака талаблари ва ўқув режалари қўйилган талабларни ўзида тўлиғича акс эттирган ва меъёр талабларига тўлиқ жавоб беради. Улар олий таълим йўналишлари классификаторига мос равишда фалсафий фанлар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларни бажаришга мўлжалланган. Шунинг учун ишлаб чиқилган бакалавр таълим йўналиши бўйича Малака талаблари ва ўқув режаларини маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

**3. Бирлашма аъзоларидан:** ф.ф.д.проф. Г.М.Рўзматова, ф.ф.н. доц. Х.П.Тўхтаев ҳам сўзга чиқиб, ишлаб чиқилган бакалавр таълим йўналиши бўйича Малака талаблари ва ўқув режаларини замонавий талаблар асосида тайёрланган, уларда хорижий тажрибалар ҳамда фалсафий фанлар бўйича билим беришнинг барча соҳаларидагиислоҳатлар инобатга олинган деб таъкидлашдилар. Шунингдек, улар ишлаб чиқилган бакалавр таълим йўналиши Малака талаблари ва ўқув режаларини тасдиқлаш учун тавсия этишдилар.

**6. В.Топилдиев - бирлашма раиси, профессор.** Университет профессор-ўқитувчилари томонидан томонидан *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим талаблари асосида тайёрланган, уларда Республикамиз экология соҳасида рўй бераётган иқтисодий ислоҳатлар ҳамда халқаро тажрибалар ўз аксини топган деб ўйлайман.

Юқоридаги билдирилган фикрлар ва уларни тақриздан ўтказилганлигини инобатга олиб, қуйидаги МТ ҳамда ўқув режасини ўқув методик бирлашмада кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман:

| | **Таълим йўналиши:** | **Коди** |
|---|---|---|
| 1 | **Фалсафа (йўналишлар бўйича)** | *60220500* |

**Йиғилиш қарор қилади:**

1. Турдош ОТМ вакиллари, кадрлар истеъмолчилари ҳамда университет профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган томонидан *60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* таълим йўналиши Малака талаблари ҳамда ўқув режалари маъқуллансин.
2. Таълим соҳасининг бакалавриатура таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режасининг лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМ лари ва манфаатдор вазирликлар (идоралар) ва асосий иш берувчи корхоналар, тармоқ илмий тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлансин.
3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар малака талабларининг яратилишида инобатга олинганлиги қайд қилинсин.
4. Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режасини ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш марказига топширилсин.

**Математика ва табиий фанлар**
**ўқув-услубий бирлашма раиси** **В.Топилдиев**

**Ўқув-услубий бирлашма котибаси** **Ю.Собирхонова**

*60220500 – Фалсафа (йўналишлар бўйича)* **бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талабининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим йўналишлари малака талаблари билан қиёсий таққослаш**

**Бакалавриатурада таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари**

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриатура) | Жанубий Корея Республикаси (бакалавриатура) | Германия (бакалавриатура) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Бошланиши** | Умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ва касб-ҳунар колледжларидан сўнг | Ўрта мактабни битиргандан сўнг | Ўрта мактабни битиргандан сўнг |
| 2. | **Давомийлиги** | 4 йил | 4 йил | 4 йил |
| 3. | Таълим олувчилар сони | 20-25 | 20 | 20 |
| 4. | Ўтиш жойлари | Таълим муассасаларининг илмий тадқиқот бўлимларида, илмий тадқиқот институтларида, илмий муассасалар ва ўқув юртларининг тадқиқот бўлимларида ўтказилади. | Университетга хомийлик қиладиган институтларда | Университет кафедрасида талабаларнинг йўналиши ва илмий тадқиқот мавзуларига тааллуқли бўлган институтларда |
| 5. | **Таълим берувчилар** | Университетда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар | Университетда фаолият юритаётган илмий унвонга эга бўлган малакали ўқитувчилар ва хорижий мутахассисларни жалб этилади | Университетда фаолият юритаётган илмий унвонига эга бўлган соҳа мутахассислари ва хорижий мутахассисларни жалб этилади |
| 6. | **Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш** | Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, ДТМ, кафедра мудири, бириктирилган бошқа профессор-ўқитувчилар | Факультет раҳбарияти ва тегишли кафедра мудирлари ва ўқитувчилар | Факултет деканати, кафедра мудирлари. профессор ўқитувчи ўзига беркитилган талабалар билан индивидуаль тарзда фаолият юритади |

**Бакалавриатурада таълим жараёнинг таркиби**

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриатура) | Жанубий Корея Республикаси (бакалавриатура) | Германия (бакалавриатура) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Назарий таълим | Кафедрадаги ўқитувчилар томонидан назарий билимлар талабаларга берилади | Асосан талабалар ўзларинанг йўналишлари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларига киради. | Асосий қисми факультетда маъруза курслари кўринишида ўтказилади. |
| 2. | Амалий таълим | Таълим муассасасида, | Университет кафедралари қошидаги махсус лабоаторияларда, | Таълим муассасида ва Университет кафедралари қошидаги махсус лабоаторияларда Университет кафедралари қошидаги махсус лабоаторияларда |
| 3. | Илмий –тадқиқот ишлари | Бакалавриатурада таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича битирув малакавий ишини асосан кафедра шароитида амалга оширади. Кафедра ёки бошқа кафедра профессор-ўқитувчилари (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштрок этиш ва | Илмий иш бўйича кафедра ёки ўзининг мавзуси бўйича бошқа мутахассис билан турли институтларда оширилади. Бакалавриатурада ўқиш жараёнида илмий раҳбар танланади. | Кафедра профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида, илмий дастурлар доирасида тадқиқот ишлари амалга оширилади. Илмий иш давомида рефератлар тақдим қилиши, конференцияларда иштрок қилиши ва илмий иш мавзуси бўйича журналга мақола ёзиши мумкин. |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | маъруза қилиш билан шуғулланадилар. | | |
| 4. | Мустақил таълим | Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа таълим муассасаларида яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар, кутубхона, интернет тармоғи ва бошқа) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин. | Талабалар турли мавзуларда мустақил изланадилар ва семестрлар якунида хулосаларини профессор-ўқитувчиларга тақдим этадилар (мақола,тақдимот) | Талабалар мустақил таълимда журналларга камида 2-3 мақола ёзадилар. Мослаштирилган барча шарт-шароитлардан кенг фойдаланишлари мумкин. |
| 5. | Таълим жараёнида баҳолаш | Талабаларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш бакалавриатура рейтинг тизими асосида жорий, оралиқ , якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, ёзма, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади. | Семестрлар давомида асосий фанлардан белгиланган амалий, семинар машғулотлари орқали кредит йиғиб борадилар. | Талабаларнинг жорий билими, компетенцияси ва ўзлаштириши оралиқ тест саволлари орқали, билимларни даврий оғзаки кўринишда текшириш, цикллар бўйича ҳар ярим йилда ёзма тест кўринишида амалга оширилади. |

**Бакалавриатурада таълим жараёнинг мазмуни ва давомийлиги**

| Ўзбекистон Республикаси | Муддати | Сеульский Национальный Университети (Ю. Корея) Seoul National University (S.Korea) | Мюнхенский университет (Германия) LMU-Munich Universit (Germany) | University of Cambridge (Лондон, Буюк Британия) | Нью-Йоркский университет (США) New York University (USA) | Бристольский университет (Великобритания) University of Bristol (UK) | Оксфордский университет (Великобритания) University of Oxford (UK) | Anglia Ruskin University, Cambridge Campus. Australia | Massachusetts Institute of Technology (Кембридж, АҚШ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Фалсафага кириш | 1 семестр | - | - | - | - | - | What does philosophy means | Entering XX century philosophy | |
| Ахлоқ фалсафаси. | 1 семестр | Beauty and theory of taste | Die Ethik der deutschen klassischen Philosophie | 1. Early modern moral philosophy 2. Metaethics 3. Theories of the good | 1. Ethics and the Environment 2. Classic aesthetics | - | - | - | |
| Фалсафа тарихи | 1-5 семестр | 1. History of Korean Philosophy 2. Korean Buddhist Philosophy 3. Ancient Western Philosophy 4. Medieval Western | 1. Antike 2. Philosophie der Renaissance 3. Kant und der Deutsche Idealismus | Greek and Roman Philosophy, Early Modern Philosohy, History of | 1. History of ancient philosophy 2.The Greek thinkers | Greek and Roman Philosophy, Early Modern Philosohy, History of Analytic | Early Greek Philosophy, Medieval Philosophy, Early Modern Philosophy, Post-Kantian | The Presocratics, Plato and Aristotle, Hellenistic Philosophy, Eighteenth Century | Topics in the History of Philosophy, Ancient Philosophy |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Philosophy 5. Ancient Chinese Philosophy | | Analytic Philosophy, Philosophy in the Long Middle Ages | | Philosophy, Philosophy in the Long Middle Ages | Philosophy | French Philosophy, 19th C Philosophy: Kant to Nietzche , Research Topics: 20th Century Philosoph | |
| Мантиқ тарихи ва назарияси | 1-4 семестр | Symbolic Logic | Logik und Wissenschaftstheorie | Philosophical Logic, Introduction to Mathematical Logic | Logic | 1. Introduction to Formal Logic . 2. Logic 2 | Philosophical Logic, Introduction to Mathematical Logic | Logic and Computation, Introductory Logic, Exploring Nonclassical Logic, Logic and Proof | Logic, Topics in Philosophical Logic |
| Онтология ва билиш назарияси | 2-5 семестр | Ontology | Ontologie | Metaphysics | 1.Set theory Philosophy of mind 2.Mind and matter 3.Metaphysics | - | Knowledge and Reality: Metaphysics | Logic and the methodology of philosophical knowledge | |
| Динлар фалсафаси | 3- семестр | Understanding Religious Studies | Religionsphilosophie | Theology and Religious Studies | Philosophy of religion | - | - | - | |
| Нафосат фалсафаси | 3- семестр | Beauty and theory of taste | Die Ethik der deutschen klassischen Philosophie | 1. Early modern moral philosophy 2. Metaethics 3. Theories of the good | 1. Ethics and the Environment 2. Classic aesthetics | - | - | - | |
| Шарқ тили (араб, форс тили) | 4 - семестр | - | - | - | - | - | - | - | |
| Ижтимоий фалсафа | 6- семестр | Social philosophy | Social philosophy | 1.Social ontology 2. Introduction to Social Studies | - | - | - | Society, Knowledge and Self, Social and Political Philosophy | Topics in Social Theory and Practice, Topics in Critical Social Theory |
| Қадриятлар фалсафаси | 7- | - | - | - | - | - | Practical | Moral | Happiness |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | семестр | | | | | | Ethics, Population Ethics | Problems and the Good Life | and Value in Ancient Greek Philosophy |
| Фалсафани ўқитиш методикаси | 7-семестр | - | - | - | - | - | Philosophy of Cognitive Science | Methodic of philosophical study | - |
| Табиатшуносликнинг замонавий концепциялари | 5-семестр | - | - | Philosophy of Biology | Philosophy of Quantum Mechanics, Philosophy of Mathematics | Philosophy of Mind | Intermediate Philosophy of Physics, Philosophy of Physics | Philosophy of Mathematics, Environmental Philosophy, Philosophy of science (biology and cognitive science) | Philosophy of Quantum Mechanics, Philosophy of Mathematics |
| Марказий Осиё халқлари фалсафаси | 6-7-семестр | Topics in Eastern Philosophy | - | - | - | - | - | - | - |
| Риторика | 7-семестр | | | | | | | | |
| Таълим ва тарбия фалсафаси | 6-семестр | | | | | | | | |
| Фалсафа ва фан методологияси | 7-семестр | Philosophy of science | - | Philosophy of science | Epistemology | - | Philosophy of Science | Philosophy and methodology of science / Philosophical hermeneutics and postmodernism | |

**Изоҳ:** Фалсафа бакалавр таълим йўналиши бирламчи манбаларга суянган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, ҳозирги кунда жуда долзарб йўналиш бўлиб, доимий изланишни, таҳлил қилиш ва мукаммаллаштиришни талаб қилмоқда. Юқоридаги маълумотларга асосан шуни айтиш мумкинки, давлатимизда яратилаётган 60220500 - Фалсафа (йўналишлар бўйича) таълим йўналиши малака талаблари жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, бошқа давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига хос ҳусусиятлари билан ажралиб туради.